O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJONVILOYATI BULOQBOSHI TUMANI HOKIMINING QARORI

Buloqboshi t, Mirzakalon Ismoiliy ko’cnasi 6-uy

2021 - yil 25 - dekabr 62-1-20-Q/21 Buloqboshi tuman hokimligi

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 136-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 272-сон қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг алоқа хатини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Булоқбоши туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг “Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туманда корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг транспорт воситаларини қайд қилиш, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (Ж.Мадрахимов) 2003 йил 31 январь 54-сон билан рўйхатга олинган низом талабларига тўлиқ амал қилсин.

3. Техник кўрикни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун тузилган ишчи

гуруҳи таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Булоқбоши туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари И.Йўлдашевга ушбу қарорни “Булоқбоши” рўзномасида нашр этилишини, туман ҳокимлигининг веб сайтига ва ижтимоий тармоғига жойлаштирилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2021 йил 15 февраль кунги 37-қ сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Норматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Mamurov O. K.**

Булоқбоши туман ҳокимининг
2021 йил 25 декабрдаги
62-1-20-Q/21-сон қарорига
1-илова

2022 йил тумандаги ташкилот, корхона, кичик корхоналар ва фуқаролар ҳисобида турувчи механик транспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўригидан сифатли ва тартибли ўтказиш бўйича қуйидаги тартибдаги хайъат аъзолари

Т А Р К И Б И

Ж.Мадрахимов - туман ички ишлар бўлими Йўл харакати ҳавфсизлиги гурухи катта инспектори лейтенант, комиссия раиси

К О М И С С И Я А Ъ З О Л А Р И :

Э.Азимов - туман мудофаа ишлари бўлими резервдаги ва харбийга мажбурлар ҳисоби бўлимаси бошлиғининг техника бўйича катта ёрдамчиси

М.Мирзаев - туман Давлат солиқ инпекцияси бошлиғи

Х.Мамасидиқов - туман экология ва атроф мухидни мухофаза қилиш инспекцияси бошлиғи

Д.Низомов - Инспекциянинг Булоқбоши туман бўлими техника ҳолат ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўбаси катта инспектори, комиссия раиси ўринбосари

Б.Қосимов - туман автомотохаваскорлар кўнгилли жамияти раиси

Ў.Машрапов - Андижон вилояти транспорт бошқармаси

Ф.Мирзаева - «Ўзагросуғурта» Давлат акциядорлик суғурта компанияси туман бўлими бош назоратчиси

Туман ҳокимлиги

бош мутахассиси: Т.Қодиров

Булоқбоши туман ҳокимининг
2021 йил 25 декабрдаги
62-1-20-Q/21-сон қарорига
2-илова

Тумандаги хўжалик, ташкилот, муассаса ва кичик корхоналар ҳисобида турувчи техник транспорт воситаларини давлат техник кўригидан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Ташкилот, корхона ва хўжалик номи	Техник кўрикка тақдим этилган техника сана			Техник кўрикдан ўтказиш вақти	Техник кўрикдан ўтказиш куни	Техник кўрикдан ўтказиш жойи
		авто	мото	тиркама			
1	Булоқбоши туман ҳокимият	6			8-00 дан 10-00 гача	22.03.2022 йил	Хўжалик автогаражи
2	Булоқбоши рўзномаси	1			8-00 дан 11-00 гача	23.03.2022 йил	Хўжалик автогаражи
3	Узагросуғурта ДАСК	1			8-00 дан 10-00 гача	23.03.2022 йил	ЙХХГ биноси
4	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими	3			8-00 дан 11-00 гача	23.03.2022 йил	Хўжалик автогаражи
5	“Булоқбоши тикланиш транс ” МЧЖ	2			8-00 дан 11-00 гача	24.03.2022 йил	Хўжалик автогаражи
6	Автомобил мактаби	11			8-00 дан 17-00 гача	25.03.2022 йил	Хўжалик автогаражи
7	Қўқон нефтгаз пармалаш ишлари ОАЖ	7			8-00 дан 11-00 гача	26.03.2022 йил	Хўжалик автогаражи
8	“Ҳудудгаз Андижон” МЧЖ туман филиали	4	1		8-00 дан 9-00 гача	27.03.2022 йил	Хўжалик автогаражи
9	Бунёдкор йўл қурилиш МЧЖ	6			8-00 дан 11-00 гача	29.03.2022 йил	Хўжалик автогаражи
10	ХУТТ	40		6	8-00 дан 17-00 гача	30.03.2022 йил	Автокорхона автогаражи
11	Туман ЙФУК	3			8-00 дан 17-00гача	31.03.2022 йил	Автокорхона автогаражи
12	“Даврон” агрофирмаси	10			8-00 дан 17-00гача	1.04.2022 йил	Агрофирма гаражи
13	Ширмонбулоқ тош кони	2			8-00 дан 9-00 гача	2.04.2022 йил	Автокорхона автогаражи
14	Булоқбоши Почта	1			8-00 дан 17-00 гача	3.04.2022 йил	Автокорхона автогаражи
15	Булоқбоши ҳалқ банки	3			8-00 дан 17-00гача	3.04.2022 йил	Автокорхона автогаражи
16	Транспорт уюшмалар	206			8-00 дан 9-00гача	5.04.2022 йил 10.04.2022 йил	Автокорхона автогаражи
17	Кичик корхона, фирмалар	150	1		8-00 дан 17-00 гача	11.04.2022йил 17.04.2022 йил	Жойларда
18	Фуқароларнинг шахсий юк-мото транспортлари	410	70	40	8-00 дан 17-00гача	19.04.2022 йил 29.04.2022 йил	ЙХХГ биноси
19	Фуқароларнинг шахсий енгил транспортлари	5200			8-00 дан 17-00гача	19.04.2022 йил 28.08.2022 йил	Андижон шаҳар. Автотеххизмат МЧЖ

20	Туман ХТБ	2			8-00 дан 11-00 гача	30.04.2022 йил	Хўжалик автогаражи
21	Туман МТБ	2			8-00 дан 11-00 гача	30.04.2022 йил	Хўжалик автогаражи
22	Туман Агробанк	1			8-00 дан 11-00 гача	30.04.2022 йил	Хўжалик автогаражи
23	Ватанпарвар ташкилоти	15			8-00 дан 11-00 гача	1.05.2022 йил	Хўжалик автогаражи
24	Туман СЭОМ	2			8-00 дан 11-00 гача	3.05.2022 йил	Хўжалик автогаражи

Туман ИИБ ЙҲХГ раҳбари: Ж.Мадрахимов